O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIBERNETIKA MARKAZI

УШБУ СОНДА:
2 АНИҚ МЕЗОН
3 КЕЛАЖАК УЧУН МАСЪУЛМИЗ
XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 БИР МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 47 (502) 2006 йил 28 ноябрь сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

МЕЗОН:

Агар асар сақлаш учун ҳар кимнинг фойдаланиши мумкин бўлган сақлов жойига (депозитарийга) топширилган бўлса ва депозитарий билан тузилган шартномага кўра мазкур депозитарийга мурожаат этадиган ҳар қандай шахснинг асар нусхасини олиши мумкин бўлса, асардан бу тарзда фойдаланиш асарларнинг қўлёзмаларини, ҳар қандай моддий жисмдаги бошқа асарларни сақлаш учун топшириш деб эътироф этилади.

Асарни сақлаш учун топшириш мутлақ муаллифлик ҳуқуқи эгасининг депозитарий билан тузилган, асардан фойдаланиш шартларини белгиловчи шартнома асосида амалга оширилади. Бундай шартнома ва депозитарийнинг фойдаланувчи билан тузган шартномаси оммавий шартномадир.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 22-МОДДА

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Яқин кунларда халқимиз қутлуғ байрам — Конституциямиз қабул қилинган куннинг 14 йиллигини кенг нишонлайди.

Бу табаррук ва қутлуғ сананинг қадр-қиммати йиллар ўтган сайин тобора ортиб бораверади. Нега деганда, бугун халқимиз қўлга киритаётган ҳар бир соҳадаги улкан муваффақият ва ютуқларнинг ҳуқуқий асоси Бош қомусимизда ўзининг теран ифодасини топган. Агар халқимизнинг истиқлол давридаги тараққиёт йўлига назар ташласак, Асосий қонунимиз нечоғлик мукаммал, олис келажакни кўзлаб яратилгани, у халқимизнинг донишмандлик салоҳияти маҳсули эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Зотан, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **авваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра бутунлай янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилган.**

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида Конституциямизда белгилаб қўйилган тамойиллар ҳаётимизда ўзининг теран ифодасини топиб бормоқда.

Келинг, шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар асосида давом эттирайлик.

Маълумки, Бош қомусимизнинг 36-моддасида **«Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли»**, дея қайд этилган.

Буни бугун юртимизда кенг қулоч ёйган, иқтисодиётимиз таянчи, фаровон ҳаётимиз манбаи дея эътироф этилаётган тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати мисолида ҳам ёрқин кўриш мумкин.

Оддий мисол. Ўзбекистон туманида яшовчи Обиджон Ҳасанов мустақилликнинг дастлабки йилларида янги ташкил этилган фермер хўжаликларини кўриб, уларга ҳавас билан қараган. Кейинчалик унинг ўзи ҳам фермер бўлишга қатъий ахд қилди. Аввалига яхши ният билан жамғариб қўйган сармоясига 10 бош қорамол ва 15 бош қўй сотиб олди. Сўнгра чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилиш мақсадида туман ҳокимлигига мурожаат қилди.

Шундан сўнг Обиджон Ҳасанов оила аъзолари билан тиним билмай меҳнат қилди ва табиийки, секин-аста меҳнатининг роҳатини кўриб, имкониятлари юзага чиқа бошлади. Ўтган 11 йил давомида фермернинг ерлари 178 гектарга кенгайди, чорва бош сонлари эса 757 тага кўпайди. Бу орада олган даромади ҳисобидан хўжалик учун зарур бўлган бир нечта техникалар сотиб олди. Фарзандларию набираларига қўша-қўша тўйлар қилди. Ўшандан буён ҳудудларга тиббиёт ва таълим муассасаларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаб келаяпти. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳам унутгани йўқ. Хўжалик биргина 2006 йилда 207 миллион сўм даромад қилди.

Бундай мисолларни юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоқларидан кўплаб келтириш мумкин. Демак, Бош қомусимизда белгилаб қўйилган қонуний асослар ўзининг ҳаётий ижросини топиб бораётган экан, бу аввало, халқимизнинг фаровон турмуши, бахт-саодатига хизмат қилади. Бу ўз навбатида Конституциямизнинг халқпарварлигидан далолат беради.

Юқорида Конституциямизнинг бош мақсади инсон, унинг манфаатларини улуғлаш эканлигини таъкидлаб ўтдик. Бу суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган ислоҳотларни кузатганимизда янада яққолроқ кўзга ташланади. Айтайлик, **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Фармонида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди билан бир қаторда ҳакамлар судлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва Савдо — саноат палатаси бир ой муддатда белгиланган тартибда «Ҳакамлар суди тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиши ва бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилиши белгилаб қўйилган эди.

Жиноят иши юзасидан ўтказилган суриштирувларда аниқланишича, Бешариқ туманидаги «Якатут» ширкат хўжалигида Розиқжон омбор мудири, Ўктамжон хўжаликнинг марказий таъмирлаш устахонасида, Абдухалил эса хўжаликнинг «Серак» участкасида омборчи вазифаларида фаолият юритишган.

Бироқ нафс қутқусига учган бу учовлон иш фаолиятлари давомида катта камомадга йўл қўйишган. Аниқроғи, хўжаликка Розиқжон 90.000 сўм, Абдухалил 130.540 сўм, Ўктамжон 300.020 сўм миқдорида моддий зарар етказган. Бу билан улар Жиноят кодексининг 167-моддасида қайд этилган жиноятни содир этишган. Лекин айбдорлар суд мажлисига қадар ўз ихтиёрлари билан келтирган зарарларни тўлиқ қоплашди.

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг шу йил 18 сентябр куни бўлиб ўтган суд мажлисида фуқаровий даъвогар тариқасида иштирок этган хўжалик ҳуқуқшуноси Р.Эшматов зарар тўлиқ қоплангани сабабли айбдорларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, шу боис ярашув битимини тасдиқлаб жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатилишини сўради. Бинобарин, туман суди Жиноят кодексининг юқорида қайд этилган моддасига кўра, жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш юзасидан ажрим чиқарди. Бошқача айтганда, Розиқжон, Ўктамжон ва Абдухалил ярашув битими туфайли нафақат қонуний жазодан озод бўлишди, балки «судланган» деган бир умрлик доғдан ҳам халос бўлишди.

(Давоми иккинчи бетда)

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди билан бир қаторда ҳакамлар судлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва Савдо — саноат палатаси бир ой муддатда белгиланган тартибда «Ҳакамлар суди тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиши ва бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилиши белгилаб қўйилган эди.

Qonun ijodkorligi

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ

унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари нимадан иборат?

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан 2005 йил 11 августда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган эди. Мазкур қонун лойиҳаси бир неча марта қизғин муҳокамалардан ўтгач, Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 8 февралда қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 25 августда бўлиб ўтган еттинчи ялпи мажлисида маъқулланди. Ушбу қонун 2007 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Таъкидлаш жоизки, юзага келган низоларни ҳал этишнинг альтернатив (муқобил) усулларини ривожлантириш мамлакатда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш учун зарур шартлардан бири ҳисобланади. Чунки ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасида юз берган низоларни ҳал этишнинг замонавий усулларидан бири сифатида ҳакамлик суди имкониятидан фойдаланиш тадбиркорлар учун бир қатор қулайликлар яратади.

Дарҳақиқат, ҳакамлик судлари низоларни ҳал этишда давлат судларига нисбатан муқобил шаклдир. Хўжалик судларидан фарқли равишда ҳакамлик судлари одил судловни амалга оширувчи давлат органи (ваколатли суд) эмас, балки тарафларнинг келишувига асосан ташкил этилган суд тарзида намоён бўлади. Тарафлар низони кўриб чиқиш учун ўзлари ихтиёрий равишда танлаган субъектга бўлган ишончлари ҳакамлик судлари фаолиятининг асосий омили саналади.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш Концепцияси талабларини рўёбга чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган **"Ҳакамлик судлари тўғрисида"** ги қонун 9 боб ва 59 моддадан иборат. Унинг **"Умумий қоидалар"** деб номланган 1-бобида ушбу қонунни ҳаётга татбиқ этишдан мақсад, ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, асосий тушунчалар, ҳакамлик судларини ташкил этишга доир қоидалар ўз ифодасини топган. Қонуннинг мазкур бобида қонунчилик техникасида сўнгги йилларда кенг қўлланилаётган, асосий тушунчаларга таъриф бериб ўтилгани қонунни ҳаётга жорий этишда қатор қулайликлар яратади. Хусусан, қонуннинг **"Асосий тушунчалар"** деб номланган 3-моддасида ваколатли суд, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг низоми ва регламенти, ҳакамлик битими, ҳакамлик битими тарафлари, ҳакамлик муҳокамаси, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари, ҳакамлик муҳокамаси қоидалари, ҳакамлик суди ва ҳакамлик судьяси каби бир қатор тушунчалар батафсил изоҳлаб берилгани келгусида юз бериши мумкин бўлган турли хил тушунмовчиликларнинг олдини олади ва судларда иш юритиш механизмининг самарали фаолиятини таъминлайди.

Албатта, ҳакамлик судларини ташкил этиш умумий юрисдикция судларидан фарқ қилади. Бинобарин, ҳакамлик судлари қандайдир бир тизимни ташкил этмайди ва бир-бирига бўйсунмайди, аниқроғи, давлат суд тизимига кирмайди ҳамда низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг "давлат судлари"га муқобил шакли ҳисобланади.

Қонуннинг **"Ҳакамлик судларини ташкил этиш"** деб номланган 5-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслигини тўғридан-тўғри белгилаб қўйилиши ҳам унинг давлат судларидан мустақил равишда фаолият кўрсатишини кафолатлайди.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари фаолият кўрсатиши мумкин.

Доимий фаолият кўрсатадиган ҳакамлик судлари юридик шахслар томонидан ташкил этилади. Юридик шахс ҳакамлик суди ташкил этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ҳудуддаги адлия идорасига тақдим этади. Юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганида, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларини, яъни низоми ва регламентини, шунингдек, судьялар рўйхатини тасдиқлагач, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этилган, деб ҳисобланади.

Шу билан бирга доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ўз номи ёзилган бланка ва юмалоқ муҳрга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоб варақлари, валюта ҳисобварақларига ҳамда бошқа банк ҳисобварақларига эга бўлади.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Куни кеча Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан «Шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда Республика Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, Ҳарбий суди, Бош Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ҳарбий прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари, Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, Республика юристлар малакасини ошириш Маркази ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Мазкур илмий-амалий конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад – Бош Қомусимиз қабул қилинган кундан бугунгача ўтган давр мобайнида мамлакатимизда инсоннинг дахлсиз ҳисобланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижаларига назар ташлаш, келгусида амалга ошириладиган ишларни муҳокама этиш эди.

Маълумки, бугунги кунда давлат ва жамият олдида турган бош мақсадлардан бири инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини таъминлашдан иборат.

Конференция иштирокчилари томонидан бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг барча механизмлари яратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, анжуманда шахс дахлсизлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада республикамизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоқадор институтлар амалга ошираётган ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва қонунларида илгари сурилган энг асосий тамойил — инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши эканлиги таъкидланган ҳолда, шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатларига алоқадор суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тўғрисида фикрлар билдирилди.

Ғайрат АБДУЛЛАЕВ

Munavvar lahzalar

ВАТАН ДЕЯ УЙҒОНСИН ҚАЛБЛАР

Отам илк бор Тошкентга бундан қарийб 20 йил бурун келганди. У киши оддий деҳқон бўлса-да, илму маърифатга ошно инсон. Ёши бир жойга бориб қолганига қарамасдан матбуот билан танишиб боришни канда қилмайди. Юртимиздаги ўзгаришлар, тараққиёт, ижтимоий ҳаётдаги янгиликлар, ҳатто халқаро сиёсат майдонида юз бераётган воқеаларни ҳам бирдай кузатиб боради. Яқинда телевидениеда Мустақиллик майдони ҳақида кўрсатув берилди. Кўрсатув янгича чирой очган бош майдонимиз ва унинг ўтмиши ҳақидаги хотиралар, хуллас, кечаги ва бугунги кун тўғрисида эди.

Ушбу кўрсатувни кечки пайт фарзандлари, неваралари даврасида отам ҳам кўрибди. Қишлоққа борганимда таассуротлари ҳақида тўлқинланиб гапириб, пойтахтни томоша қилиш нияти борлигини айтди. Рости, дастлаб ажабландим. Ахир, шунча йилдан буён отам бирор марта Тошкентга бораман, демаганди-да. Бунинг устига, мен ҳам ҳеч: Ота, юринг, Тошкентни томоша қилиб келасиз, — деб таклиф қилмаган эканман.

Ахир, кун сайин чирой очаётган пойтахтимизнинг бугунги жамолига ҳар ким ҳавас қилса, арзийди. Ҳатто олис ўлкалардан муаззам, замонавий шаҳарни томоша қилишга келаётган хорижликлар ҳайратини яширолмайди.

Ота-ўғил шаҳар кўчаларини айландик. Мен учун одатдаги кўчалар, аммо отам учун... Отам табиатан камгап. Жимгина шаҳар кўчаларини кезамиз. Ўғринча кўзларига қарайман, у киши назар ташлаётган манзараларга термуламан. Кенг ва равон йўллар, кўприклар, гулзорлар, янгидан бунёд этилган иншоотлар, фавворалар, кўкка бўй чўзган муаззам иморатлар. Ҳа, шўро замонида буларни орзу қилиш ҳам хаёлпарастликдек туюлган. Буни биз, ёшлардан кўра кўпроқ катта авлод вакиллари яхши эслашади. Аммо кечаги кундан сабоқ чиқариб яшаш ёшларнинг бурчи. Президентимиз маърузаларининг бирида: **«Аввало, ёшларимиз тарихни чуқур ўрганишлари лозим. Негаки, ўз тарихини билмаган жамият истиқболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга беписанд халқнинг келажаги йўқ... Кечаги кунидан тўғри хулоса чиқариб иш тутган жамият келажакка ишонч билан қадам қўяди»**, дея таъкидлаганди.

Бугунги ўзгаришлар, тараққиёт — барчабарчаси ўтмишидан тўғри хулоса чиқара олган бунёдкор халқнинг яратувчанлик салоҳияти маҳсули аслида.

Ота-ўғил Мустақиллик майдонига кириб борарканмиз, отам: «Инсонга кўп нарса керак эмас, унга имконият берсанг бас, қўлидан нималар келишини кўрасан. Мана, эркинликнинг шарофати», деди.

(Давоми учинчи бетда)

Tahlil va saboq

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

Давлатимиз раҳбарининг **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш», «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш», «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш», «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонлари, **«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш», «Банклардаги депозит ҳисоб варақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари», «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш ҳақида»**ги қарорлари мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти ва унинг қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш кафолатига айланиб, катта тарихий бурилишга йўл очди. Буни ўтган қисқа давр ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Ҳуқуқий ҳимоя тизимининг мустаҳкамланиши юртимизда тадбиркорликка нисбатан ишончни янада ошириш, бир сўз билан айтганда, соҳа ривожини таъминлаш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Юқоридаги Фармон ва қарорлар қабул қилингач, ўтган даврда яна кўплаб ҳамюртларимиз ўз тақдири ва келажагини ана шу мўътабар касбкор билан боғлашди. Ҳуқуқий ҳимоя тизими эса айтилганидек, ишончли кафолатга айланди. Буни вилоят адлия бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Урганч шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Аму-Брокер» хусусий корхонаси раҳбари С.Маҳмудов шу йил адлия идорасига мурожаат қилиб, ўзининг қонуний ҳақини ундириш ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўради. Аризага мувофиқ ўтказилган назорат текшириш тадбирлари даъвогарнинг эътирози ўринли эканлигини тасдиқлади. Аён бўлдики, корхона Янгиариқ туманидаги собиқ «Хоразм» ширкат хўжалигига шартномага мувофиқ 9,7 миллион сўмлик техника эҳтиёт қисмлари етказиб берган. Бироқ ширкат хўжалиги бошқаруви орадан анча вақт ўтса-да, тўловни амалга оширмаган. Бу орада ширкат хўжалиги тугатилиб, жамики мерос ушбу хўжаликни тугатиш ва унинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссиясига ўтган. Бироқ тўловдан дарак бўлмаган. Оқибат табиийки, аризабозлик ва шикоятбозликка етаклаган. Яқинда адлия бошқармаси тадбиркор С.Маҳмудовнинг манфаатларини хўжалик суди орқали ҳимоя қилди. Суд ишни атрофлича ўрганиш асосида тадбиркорнинг манфаатларини кўзлаб, адлия идораси томонидан қўзғатилган даъвони асосли деб топди ва 9 миллион 668 минг сўм пулни тўлалигича жавобгар томонидан ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

(Давоми иккинчи бетда)

Istiqlol va imkoniyat

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Агар рақамларга эътибор берсак, жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди томонидан ўтган 2005 йилда 97 та иш бўйича 109 нафар, жорий йилнинг 9 ойи давомида эса 93 та иш бўйича ҳам 109 нафар шахс ярашув институтига мувофиқ жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Шу билан бирга уларнинг оила аъзолари ҳам мазкур бағрикенгликдан баҳраманд бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Агар шунга ўхшаш жиноят шўро замонида содир этилганда, нафақат бу қилмишга қўл урган кимса, балки унинг оила аъзолари ҳам бир умр бадном бўлар, ҳатто уларнинг мол-мулки ҳам давлат ҳисобига мусодара қилинарди.

Ўрни келганда яна бир мулоҳазани айтиш жоиз. Гап шундаки, кўпчилигимиз конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларимизни талаб қилишни яхши биламиз-у, аммо бурчларимизни адо этишни кўп ҳам хоҳламаймиз.

Мисол учун айтганда, Ўзбекистон туманининг Катта Қайнар қишлоғида яшайдиган Розия Мадалиева ана шундай кимсалардан бири экан. Розияхон Орифжон Иброҳимов билан ён-девор қўшни. Шу йил август ойининг бошларида у ўртадаги деворни қайта кўтартиради. Аммо Р.Мадалиева юзинг-кўзинг демай деворни қўшниси Орифжон ака томонга сезиларли даражада суриб юборди. Табиийки, қўшнисининг бу ҳаракатидан О.Иброҳимов қаттиқ ранжиди. У Розияхонга буни ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлди. Бироқ ўзбошимча аёл унинг гапларига қулоқ солмай, беписандлик қилди. Шундан сўнг Орифжон ака бу ҳақда маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда профилактика инспекторига мурожаат қилди. Қайнар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Абдуллаев, Катта Қайнар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Г.Қувватов, профилактика инспектори Г.Ўринов ва О.Иброҳимов муаммони жойида муҳокама қилиш учун Розияхоннинг ҳовлисига боришганда, у бозорга кетган эди.

— Онанг келса, маҳалла идорасига чиқсин, — дея улар Розияхоннинг қизига тайинлаб, изларига қайтишади. Кўп ўтмай Розияхон маҳалла фуқаролар йиғини идорасига кириб келади. Маҳаллақўм Т.Қувватов масалага ойдинлик киритмоқчи бўлганда, Розияхон ҳе йўқ, бе йўқ, уни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилишга тушди. Кейин бундай номаъқул сўзлар билан идорага йиғилган бошқа масъулларни ҳам «сийлади». Ваҳоланки, Асосий қонунимизнинг 48-моддасида «**Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар**» дея қайд қилинган.

Содда қилиб айтганда, ҳеч ким ўз матфаатини бошқанинг манфатидан устун қўймаслиги керак. Бироқ Р.Мадалиева ана шу бурчини унутиб қўйди. Табиийки, бундай ноқонуний хатти-ҳаракати учун унга нисбатан **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодекснинг 41-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилди ва энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Бешариқ туманидаги «Бешариқ Рамзи» шўъба корхонаси раҳбари Турсунали Турсунов ва бош ҳисобчи Мадамин Назиров ҳам фуқаролик бурчини унутганлар сирасига кирар экан. Тўғрироғи, Т.Турсунов ва М.Назиров Конституциямизнинг 51-моддасида белгиланган **фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлигидан** кўз юмишди.

Маълум бўлишича, юқорида қайд этилган шўъба корхонаси асосан савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланади. Аммо корхонанинг нафс домига тушган раҳбари ва бош ҳисобчиси 2004-2005 йиллар ва 2006 йилнинг дастлабки чорагида товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш каби жиноятларини содир этишади. Бу эса ўз-ўзидан тўртинчи жиноятни келтириб чиқаради. Яъни улар 2004 йилда 22.800, 2005 йилда 2.176.000 сўм ва 2006 йилнинг биринчи чорагида эса 4.490.800 сўм, жами 6.689.700 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашади. Бу ҳол эса туман ДСИ бошлиғининг шу йил 21 июндаги 148-С-сонли буйруғига асосан шўъба корхонада 2004-2005 йиллар ва 2006 йилнинг биринчи чорагида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда тўланиши юзасидан ўтказилган текширишда фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди ўзининг шу йил 7 октябрь куни бўлиб ўтган суд мажлисида Турсунали ва Мадаминжонларнинг қилмишлари юзасидан адолатли ҳукм ўқиди...

Хулоса ўрнида эса шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқидан фойдаланар экан, Конституция ва қонунлар олдидаги бурчини ҳам унутиб қуймаслиги лозим.

Исломжон НУРАЛИЕВ,
ҳуқуқшунос

Mulogot

НАФАҚА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

— Ўғлим яқинда бир ёшга тўлади. Маҳалла фуқаролар йиғинидан фарзандимни икки ёшгача парвариш қилиш учун нафақа олишим мумкинми?

С.РАЖАБОВА,
Булунғур тумани

— Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 25 мартдаги **«Ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»**ги Фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги **«Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорида икки ёшга етмаган болани парваришлаётган ва айни дамда ишлаётган оналарга нафақа тўлаш ва тайинлаш тартиби белгиланган.

1) Жумладан, бола икки ёшга тўлганга қадар уни парваришлаш даврида ҳар ой бериладиган нафақа одатда боланинг онасига ёки унинг ўрнини босадиган шахсларга — отаси, фарзандликка олувчи, васий ва бошқа бола парвариши билан бевосита банд бўлган шахсларга тайинланади ва тўланади.

2) Болани парваришлаш давридаги ойлик нафақа болалар сони ва нафақа олувчи шахс меҳнат стажи миқдоридан қатъи назар, тайинланаверади.

3) Нафақа бола парвариши билан банд бўлган она ёки унинг ўрнини босувчи шахсга мурожаат қилинган кундан бошлаб, аммо бола туғиш таътили тугаган куннинг эртасидан тайинланади.

4) Икки ва ундан ортиқ бола парвариш қилинаётганида нафақа энг кичик бола икки ёшга тўлганига қадар бир баробар миқдорида тайинланади.

МУДДАТ БЕЛГИЛАНГАН

— Мени ўзим хизмат қиладиган ташкилот мутасаддилари ноқонуний ишдан бўшатишди. Бу борада низони ҳал этишни сўраб, судга мурожаат этиш муддати чегараланганми?

Ф. САНАЕВ,
Каттақўрғон тумани

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Меҳнат кодексининг 270-моддасига мувофиқ, судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланган:

- ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

- ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

- бошқа меҳнат низолари бўйича ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

МУЛК ҚАЧОН ЭГАСИЗ, ДЕБ ТОПИЛАДИ?

— Бундан ўттиз йил муқаддам турмушга чиққан эдим. Тақдир экан, ўртамизда фарзанд бўлмади. Бундан икки йил илгари турмуш ўртоғим вафот этди. Бугунги кунда ёлғиз яшайман. Қариндошларим ҳам йўқ. Келажакда менинг мол-мулким кимга қолиши мумкин?

З.ИРИСМАТОВА,
Ғазалкент шаҳри

— Фуқаролик кодексига асосан, агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган тақдирда, мерос мол-мулк эгасиз, деб ҳисобланади.

Эгасиз қолган мол-мулкнинг меросхўрлари йўқлигига оид ҳолатлар атрофлича, тўлиқ текшириб кўрилгач, тегишли хулоса чиқарилиши мумкин. Хусусан, мерос қолдирувчининг эри (хотини), болалари, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа қариндошлари бор-йўқлиги қўни-қўшниларидан албатта сўраб-суриштирилиши керак. Мерос қолдирувчи нотариал тасдиқланган васиятнома қолдирган-қолдирмагани, унинг меросхўрлари меросни қабул қилиб олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган-этмаганини аниқлаш учун нотариал идораларга тегишли сўров билан мурожаат этиш зарур.

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти идораси ёки фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш идораси аризаси бўйича, мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгач, суднинг ҳал қилув қарори асосида эгасиз қолган мол-мулк, деб топилади.

Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, юқорида кўрсатилган муддат (бир йил) ўтишидан олдин ҳам эгасиз деб топилиши мумкин.

Шу билан бир қаторда ушбу кодекснинг 1157-моддасига мувофиқ, эгасиз қолган деб топилган мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш идораси мулкига ўтади. Бу идора мол-мулкдан воз кечган тақдирда эса давлат ҳисобига ўтказилади.

АЛИМЕНТ ТЎЛАШИ ШАРТ

— Тақдир экан, бундан икки йил муқаддам турмуш ўртоғим билан ажрашгандик. Ўртада икки нафар фарзанд бор. Эрим алимент тўлаб турарди. Яқинда у чет элга ишлашга жўнаб кетмоқчи. Энди алимент масаласи қандай ҳол этилади?

Г.ЗОКИРОВА,
Қамаши тумани

— Сиз маслаҳат сўраётган масаланинг ҳам қонуний ечими бор. Жумладан, Оила кодексининг 145-моддасида бу ҳақда сўз юритилган. Ушбу моддага мувофиқ, алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида қонунга мувофиқ ўзи таъминот бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан ушбу кодекснинг 130-134-моддаларига асосан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиши шарт.

Агар бундай келишувга эришилмаган тақдирда манфаатдор шахс алимент миқдорининг пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши ва алиментни бир йўла тўлаш тўғрисида ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақли.

Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Shartnoma qonunchiligi

АНИҚ МЕЗОН

Барча мулк шаклидаги корхона ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда, ҳеч шубҳасиз, шартнома алоҳида ўрин тутади. Шартнома Фуқаролик кодекси, *«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»*ги қонун асосида аниқ меъёрга келтирилган. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, моддий манфаатдорликни ошириш, иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий мезонларидан бири ҳам шартнома интизоми ва унга қатъий риоя қилишдир.

Маълумки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қайси хўжалик юритувчи субъект ҳамда тадбиркор шартнома қонун-қоидалари олдида тенг. Томонлар хўжалик шартномаларида, қонун доирасидан чиқмаган ҳолда, ҳар бир шартни мустақил белгилаш ҳуқуқига эгадирлар.

Фермер хўжалигининг хизмат кўрсатувчи ташкилот билан ўзаро муносабатга киришишида шартноманинг аҳамияти жуда муҳим. Албатта, шартноманинг мажбуриятларининг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан бажарилмаслиги фермер хўжалигининг режадаги ҳосилни олишига тўсқинлик қилади.

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан Навбаҳор ва Хатирчи туманлари пахта тозалаш корхоналарида шартномавий муносабатлар аҳволи ўрганилганда, фермер хўжаликлари манфаатларига зид ишларга йўл қўйилаётганлигига дуч келинди. Гап шундаки, фермер хўжаликлари топширган хомашёси учун шартнома мажбуриятларида белгиланган тўловлар кечиктирилгани учун бошқарма томонидан вилоят хўжалик судига Навбаҳор туманидаги 50 та фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб 38 миллион 621 минг 880 сўм, Хатирчи туманидан 16 та фермер хўжалиги манфатини кўзлаб 11 миллион 230 минг 500 сўм ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

«Навоий нефт базаси» унитар корхонасининг Хатирчи бўлимига ўн нафар фермер нефт маҳсулотлари учун тўловни олдиндан ўтказиб қўйишган. Бироқ корхона фермер хўжаликларига келишилган миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб беришни пайсалга солган. Адлия бошқармаси фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб, хўжалик судига 1 миллион 495 минг сўмни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритди.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида «Ўзбек ипаги» акциядорлик уюшмаси тизимидаги вилоят корхоналарида 942 та, «Ўзагромашсервис» акциядорлик уюшмаси тизимидаги тўртта корхонада 512 та, «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик компанияси тизимидаги учта корхонада 1655 та шартнома ҳужжатларини ўрганиб чиқилди. Натижада «Ўзбек ипаги» тизими корхоналарида ноқонуний тузилган 20 та шартнома қайта туздирилди. Ноқонуний ҳолатларга йўл қўйган мансабдор шахсларга интизомий чоралар қўлланилди. «Ўзагромашсервис» акциядорлик уюшмасига қарашли «МТП», «ДАЖ» корхоналаридан 21 та фермер хўжалиги ҳисобига хўжалик суди қарори билан 2 миллион 640 минг 500 сўм ундириб берилди. Шартнома мажбуриятларини бажармагани учун Навбаҳор ва Қизилтепа туманлари «Қишлоқхўжаликкимё» корхоналаридан 13 та фермер хўжалиги ҳисобига 2 миллион сўмдан зиёд маблағни ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво киритилди.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар сирасига кирадиган сувдан фойдаланувчилар уюшмаси нисбатан янги ташкилот. Йил бошида мазкур уюшма билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномалар аҳволи ўрганилиб, шартнома мажбуриятлари ҳар иккала томоннинг манфаатларига мос тарзда қонуний меъёрга келтирилганди. Яқинда вилоят адлия бошқармаси Хатирчи туманидаги «Абдужаббор зироатчи» фермер хўжалиги манфаатини ҳимоя қилиб, «Баҳриддин сувобод» сувдан фойдаланувчилар уюшмасини хўжалик судига берди. Гап шундаки, «Баҳриддин сувобод» уюшмаси билан «Абдужаббор зироатчи» фермер хўжалиги ўртасида 11,3 гектар пахта майдонини тўрт марта суғориш учун 47 минг куб метр сув билан таъминлаш тўғрисида шартнома тузилган. Шартномага кўра, фермер хўжалиги уюшмага кўрсатиладиган хизмат учун олдиндан 196 минг сўмни тўлаган. Бироқ сув вақтида етказиб берилмагани оқибатида фермер хўжалигининг ҳосилига зарар етган. Оқибатда, фермер хўжалиги даромаднинг 1 миллион 773 минг сўмини бой берган. Вилоят хўжалик суди ана шу бой берилган 1 миллион 773 минг сўмни сувдан фойдаланувчилар уюшмасидан фермер хўжалиги ҳисобига ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, шартнома қонунчилиги аниқ мезон, ундан четга чиқиш фақат зарар келтиради, холос.

Азамат ХОЛМЎМИНОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Tahlil va saboq

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармон ва қарорлари шарофатидан хивалик тадбиркор Дилмурод Султоновнинг мушкули ҳам осон бўлди. Аслида Хива туманидаги «Бинокор» уй-жой эгалари ширкати «ёшулли»лари «Оталар» хусусий фирмаси раҳбари Д.Султонов олдида наинки, молиявий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қарздор эдилар.

Ўзбекона удумларга амал қилинса, бировнинг хизмати ва ҳимматидан баҳраманд бўлган киши унга хизмат ҳақини тўлашдан ташқари миннатдорчилик ҳам билдириши даркор. Афсуски, «Бинокор» мутасаддилари бу ибратли удумни унутиб қўйишди. «Оталар» фирмаси томонидан «Бинокор»га кўрсатилган 2,8 миллион сўмлик хизмат ҳақини тўлашдан узоқ муддат бўйин товлаб келишди. Ваъда-ю, баҳоналарнинг чеки бўлмади. Сабр-бардошнинг эса поёни бор. Тадбиркор Д.Султонов охир-оқибат ёрдам сўраб, адлия идорасига мурожаат қилди. Ариза синчиклаб ўрганилгач, судга мурожаат қилинди. Суднинг ҳал қилув қарори билан «Оталар» фирмасига тегишли бўлган 2 миллион 831 минг сўм пул «Бинокор» ширкат хўжалиги ҳисобидан ундириб бериладиган бўлди.

Юқорида баён этилганлардан кўринадики, ишбилармонлик ва омилкорлик тобора қадр топиб бораётган бугунги кунда беришдан кўра, олишни кўпроқ ўйлайдиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Қонун мулк ва мулкчиликни, халоллик ва фидойиликни, зиммадаги бурч ва мажбуриятларга нисбатан масъулиятни, ваъдага вафо-ю, шартномавийликни қадрлайди, қўллаб-қувватлайди. Ўзганинг ҳақига хиёнат қилганни эса асло кечирмайди. Буни тадбиркорларнинг ариза ва шикоятлари бўйича ўтказилаётган назорат тадбирлари ҳам яққол тасдиқлайди.

2006 йилнинг дастлабки 10 ойи мобайнида вилоят адлия бошқармасига тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб 108 та шикоят келиб тушди. «Ишонч телефон»лари орқали олинган мурожаатлар эса 38 тани ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу 146 та мурожаатда баён этилган талаб ва сўровларнинг барчаси қаноатлантирилди.

Маълумки, ариза ва шикоят беҳудага ёзилмайди. Юқорида йилнинг ўтган ойлари мобайнида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича ёзма равишда йўлланган ва «Ишонч телефон»лари орқали олинган 146 та мурожаатнинг барчасида арзгўйлар ҳақ бўлиб чиқишганини таъкидладик. Шундай экан, кимлардир уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини бузган. Қонун бундай қилмишни кечирмайди. Ариза ва шикоятларни ўрганиш ҳамда режали назорат тадбирларини амалга ошириш жараёнида қонунбузилишларга йўл қўйган шахслар аниқланди ва уларга нисбатан қонуний таъсир чоралари кўрилди. Йўл қўйилган хато ва қусурларни тугатиш юзасидан жойларга 83 та тақдимнома, 21 та огоҳнома, 6 та расмий кўрсатма ва яна 6 нафар мансаб эгасини маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича талабнома киритилди.

Шулардан аёнки, бозор муносабатлари тобора чуқурлашаётган ҳозирги даврда тадбиркорликни қўллаш, элюрт равнақини таъминлаш билан баробардир. Шундай экан, тадбиркор ва омилкор кишиларга доимо йўл ва мадад бермоқ, панд беришдан эса тийилиб юрмоқ даркор. Зеро, тадбиркорлик ҳаракати мустақил юртимизда Конституция ва қонунлар ҳимоясида эканлигини ҳамиша назарда тутиш зарур.

Одилбек КАРИМОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Dakki

РАИСНИНГ ЧАП ЧЎНТАГИ

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши учун олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали кечишида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, биринчи галда, уй-жой мулкдорларининг маблағларини жамлаган ҳолда бирлашган буюртмачи сифатида иш юритмоғи, тўпланган маблағларни бевосита ўз олдида турган мақсадга, яъни уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга йўналтириши лозим.

Яқинда Бухоро вилоят прокуратураси идоралари томонидан **«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»**ги қонуннинг амалий ижроси ўрганилганда муайян ишлар амалга оширилганига қарамай, бир қатор хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, тўпланган коммунал тўловлар ҳеч қандай режасиз, назарда тутилмаган мақсадларга сарфлаб юборилган.

Қонуннинг 4-моддасида қайд этилганидек, ширкат уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартирали уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан фойдаланишни таъминлаш учун ташкил этилади.

Хўш, хусусий уй-жой ширкатларининг ўзи нима? Бу — кўп квартирали, аҳоли зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари мавжуд бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир.

Ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади. У нотижорат ташкилот бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини-ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади. Шу йил 1 октябрдаги маълумотга кўра, Бухоро вилоятида 100 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг таркибида 1249 та кўп квартирали уйлар ва 39231 та хонадонлар мавжуд. Ҳар бир хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ўртача 12 тадан кўп квартирали уйлар тўғри келаяпти.

Хўш, бу рақамлар нимадан далолат беради?

Кўриниб турибдики, ширкатлар етарли даражада ваколатга, зарур имтиёзларга эга бўлиб бормоқда. Яъни уй-жой мулкдорлари ҳақиқий ўзини-ўзи бошқариш институти сифатида шаклланмоқда.

Афсуски, айрим ширкатларга тасодифий кишилар раҳбарлик қилаётгани коммунал тўловлар учун йиғилган маблағларни талон-торож қилиш каби жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилишига олиб келмоқда. Бундай кимсалар қонуннинг 39-моддасида қайд этилган ушбу сатрларни ёддан чиқариб қўймоқдалар: **«Ширкатлар тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар».**

Келинг, шу ўринда фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун мисолларга мурожаат қилайлик.

Бухоро шаҳридаги «Магина» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида аҳолидан йиғиб олинган коммунал тўловлар ўз вақтида хазинага кирим қилинмади, банк муассасаларига топширилмади. Текшириш чоғида аниқланишича, умумий йиғилишда ширкат аъзолари орасидан унинг уставида белгиланган муддатга сайланган ширкат раиси С.Очилов 357 минг 153 сўм аҳолидан йиғиб олинган пулни ими-жимида ўз манфаати йўлида ишлатиб юборган. Унинг кирдикорлари юзасидан Жиноят кодексининг 167-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Юзи шувит бўлган раис пушаймонлик гирдобида қолди. Ҳа илож, қонун ўз номи билан қонун, унинг талабидан четга чиқиб бўлмайди.

Қоровулбозор туманидаги «Янги аср» уй-жой мулкдорлари ширкати мансабдорлари ҳам гўёки «оқ туя кўрдингми, йўқ» қабилида иш тутишди. Бошқача айтганда, улар аҳолидан йиғиб олинган 1 миллион 159 минг 400 сўм пулга аслида бажарилмаган ишлар учун Ф-2 далолатномаси тузишган. Аниқроғи, қўшиб ёзиш йўли билан маблағ ўзлаштирилган. Текшириш чоғида уларнинг қилмишлари фош этилди. Нордон қилиб айтганда, текин хўракнинг тиканаги чиқди.

Бухоро шаҳридаги «Ш.Шодлик» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида ўтган йил давомида аҳолидан коммунал тўловлар учун 6096,7 минг сўм нақд пул ширкат хазинасига кирим қилинган. Аксинча, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги **«Нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори талаби бузилиб, иш ҳақи сифатида ва бошқа мақсадларга ишлатилган.

Бундан ташқари, ширкат томонидан ўтган йил июнь-август ойларида Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси, 5-уйни таъмирлаш мақсадида фуқаролардан 892,5 минг сўм нақд пул йиғиб олинган. Қурилиш материаллари келтирилиб, таъмирлаш ишлари бажарилган. Аслида 787,8 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлсада, Ф-2 далолатномасини тузишда 104,7 минг сўм қўшиб ёзилган.

Шунингдек, ширкат мутасаддилари Президентимизнинг 2005 йил 11 февралдаги **«Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори талабларига ҳам юзаки қарашган. Ширкат томонидан тарифларни тасдиқлаш тўғрисидаги баённомага мувофиқ, 2004 йил 1 июндан 2006 йил 1 майга қадар 1 квадрат метр уй-жойларга техник хизмат кўрсатиш тарифлари 34 сўм қилиб белгиланган. Ширкат мутасаддилари қайд этилган даврларда панел уйлардан 36 сўмдан, ғиштлик уйлардан эса 38 сўмдан пул ҳисобланган. Натижада истеъмолчилардан асоссиз тарзда 2667,0 минг сўм ортиқча маблағ йиғиб олинган.

Ғиждувон туманидаги «Озодлик» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Ш.Бозоров ҳам истеъмолчилардан техник хизмат кўрсатилгани учун йиғилган тўлов пулларининг 88550 сўмини бир кунимга яраб қолар, деб чап чўнтагига яшириб қўйган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, қонун кўмагида йўл қўйилган хато-камчиликларга барҳам берилди. Қонунбузарликларга чек қўйилди. Бир сўз билан айтганда, ҳақ ўз ўрнида қарор топди. Лекин ўзининг чап чўнтагини кўпроқ ўйлаган айрим ширкат раислари эл-юрт орасида обрў-эътиборларидан ҳам айрилиб қолишди. Зеро, ота-боболаримиз «элнинг назаридан қолишдан асрасин», деган ибратли иборани бот-бот такрорлашларининг сабаби ҳам шу...

Саид ШОДИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,
Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Qonun ijodkorligi

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ

унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари нимадан иборат?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари савдо палаталари, биржалар, тадбиркорлар ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари, бошқа ташкилотлар — юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари, уюшмалари, иттифоқлари томонидан ташкил этилиши мумкин.

Муваққат ҳакамлик судлари эса юридик шахслар томонидан эмас, балки ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан муайян низони ҳал этиш учун тарафларнинг ўз ташаббуси билан ташкил этилиб, низо кўриб чиқилгач, ўз фаолиятини тугатади. Муваққат ҳакамлик суди ташкил этилгач, унинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги хабарнома ва ҳакамлик битими нусхаси мазкур суд жойлашган ҳудуддаги адлия идораларига ҳакамлик муҳокамаси бошлангунга қадар юборилиши керак.

Бундан ташқари, қонунда адлия идоралари зиммасига доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олиш вазифаси юклатилган.

Аниқлик киритиш мақсадида қонунда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш, муваққат ҳакамлик судларини ташкил этиш тўғрисидаги, шунингдек, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари таркибига кирувчи ҳакамлик судьялари ҳақидаги ахборот Адлия вазирлиги томонидан тизимлаштирилиши ҳамда **"Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами"**да эълон қилиниши бевосита назарда тутилган.

Айтиш керакки, ҳакамлик судлари томонидан иш кўриш доирасининг бирмунча чекланганлиги уларнинг умумюрисдикция судларидан фарқ қилувчи яна бир жиҳати ҳисобланади. Масалан, қонунда ҳакамлик судлари фақат фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этиши қатъий белгилаб қўйилган ва улар маъмурий, оила ва меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа низоларни кўриш ваколатига эга эмас. Бироқ бунга қарамай, ҳакамлик судлари томонидан кўрилиб, ҳал этилиши лозим бўлган ишлар, умуман олганда, кўпчиликни ташкил этади ва бу ўз навбатида, ҳозирги вақтда иш ҳажми катта бўлган фуқаролик ишлари бўйича ва хўжалик судларининг юкламаларини камайтиришга ва кўрилаётган ишларнинг сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Низони ҳакамлик судида ҳал қилишнинг муҳим шартларидан бири тарафларнинг бу ҳақда махсус битими, яъни ҳакамлик битимининг мавжуд бўлишидир. Бу ўз навбатида низоларнинг ҳакамлик судларида кўрилиши тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқлиги тўғрисидаги қоиданинг қонуний ифодасидир.

Қонунда тарафлар ўртасида тузиладиган ҳакамлик битимларига нисбатан қўйиладиган бир қатор талаблар ўз ифодасини топган. Биринчи навбатда, ҳакамлик битимларини ёзма шаклда тузиш мажбурий ҳисобланади. Бу эса ушбу муносабатлар ўзаро келишув асосида қурилганини тасдиқловчи далолат сифатида муҳим аҳамиятга эга. Қонунда, шунингдек, ҳакамлик битимини шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шарти ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштиришга ҳам йўл қўйилади.

Ҳакамлик битимида қуйидагилар ўз ифодасини топиши лозим:

- **ҳакамлик битими тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар ҳакамлик судида кўриб чиқилиши кераклиги ҳақидаги қоида;**
- **низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топширилган тақдирда, мазкур ҳакамлик судининг номи;**
- **ҳакамлик судьяларининг сони;**
- **ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ва тил;**
- **ҳакамлик муҳокамасининг кўлланиладиган қоидалари, низони кўриб чиқиш муддати ҳақидаги маълумотлар.**

Қонунда ҳакамлик битимини расмийлаштириш тартибига, битимининг шакли ва мазмуни юзасидан белгиланган талабларга риоя қилинмаган тақдирда ҳакамлик битими ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши назарда тутилган.

Албатта, ҳакамлик судларида кўрилаётган низоларнинг холис ва адолатли ҳал этилиши кўп жиҳатдан ҳакамлик судьяларининг билими, малакаси ва тажрибасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам қонунда ҳакамлик судьясига алоҳида талаблар қўйилган. Жумладан, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низонинг холис ҳал қилинишини таъминлашга қодир, низонинг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган ва ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин. Ҳакамлик суди судьяси учун асосий талаблардан яна бири олий юридик маълумотга эга бўлиш ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ қуйидаги шахслар ҳакамлик судьяси бўлиши мумкин эмас:

- **муомала лаёқати чекланганлиги ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;**
- **судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;**
- **ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати тугатилган шахс;**
- **қонунда белгиланган мансаб мақомига мувофиқ ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин бўлмаган шахс.**

Ҳакамлик битими тарафлари ҳакамлик суди таркибини ва судьялари сонини мустақил белгилайди. Овоз бериш чоғида овозлар сони тенг бўлишига йўл қўймаслик учун судьялар сони тоқ бўлиши керак. Агар судьялар сони белгиланмаган бўлса, ҳакамлик судининг таркиби уч нафар судьядан иборат тартибда ташкил этилади. Ҳакамлик суди ҳайъат таркибида бўлган тақдирда эса ҳакамлик битимининг ҳар бир тарафи судьяларни тенг миқдорда сайлайди, улар эса ўз навбатида, раислик қилувчи ҳакамлик судьясини тайинлайдилар. Агар раислик қилувчи судья тайинланмаган бўлса, уни хўжалик суди тайинлайди. Ҳакамлик суди бир нафар судьядан ҳам, бир неча нафар судьядан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида судьялар ушбу ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланган рўйхатдаги судьялар орасидан сайланади (тайинланади).

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳакамлик судларининг фаолият кўрсатиши тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш баробарида, мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитни янада шакллантириш учун шарт-шароит яратишга кўмаклашади. Чунки ҳакамлик судининг мавжудлиги ривожланган давлатлардаги каби хорижлик инвесторлар учун кафолат вазифасини ўтайди. Қолаверса, ҳакамлик судлари мамлакатимизда қулай бозор инфратузилмасини шакллантириш ва низоларни кўриб чиқишни халқаро талаблар даражасига кўтариш имконини ҳам беради.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари,
Нодиржон МУХТОРОВ,
институт илмий ходими

Mitti maslahat

АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ

УЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШОНЧНОМАЛАР ВА ШАРТНОМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги қарорига асосан 2006 йил 1 июлдан бошлаб автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномаларини нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат катъий хисобда турадиган ҳимоя даражасига, серияга, тартиб ракамига ва ҳудудий кодга эга бўлган махсус гербли бланкаларда амалга оширилмоқда.

Нотариал тартибда тасдиқланган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш шартномалари рўйхатдан ўтказилиши, ишончномалар ва ижарага бериш шартномалари эса Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

Автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини олган ишончномалар ушбу қарорга мувофиқ 2007 йил 1 январгача давлат божи ундирилмасдан кайта расмийлаштирилиши керак.

Ишончномалар кайта расмийлаштирилмаган тақдирда ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига илова тариқасида тасдиқланган Низомнинг 10 бандида нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш шартномалари, шунингдек, автомототранспорт воситаларини ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва ким ошди савдолари оркали сотиш шартномаси (баённома) Вазирлар Маҳкамасининг **«Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақам белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида»**ги 1997 йил 26 майдаги 256-сонли қарорига мувофиқ бир вақтнинг ўзида автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказган ва ҳисобдан чикарган ҳолда сотиб олувчининг яшаш жойидаги (турган жойидаги) давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Бу, албатта, харидорга бир қатор енгилликлар туғдиради.

Автомототранспорт воситаларини 18 ёшга, мототранспорт воситаларини 16 ёшга тўлмаган шахсларга гувоҳнома ва автомототранспорт воситаларини рўйхатга олиш карточкасига «Транспорт воситаси эгаси 18 (16) ёшга тўлганга қадар васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийлар) нинг рухсатисиз бошқа шахсга бериш шартномалари, ишончномалар бериш ва ижарага бериш шартномаси тузиш таъқиқланади, деган ёзув киритилади.

Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ нотариуслар томонидан тасдиқланган ишончномалар, уларни ижарага бериш шартномалари Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ДЙХХХ органларида хисобга қўйилиши лозим.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари нотариал тартибда тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида ДЙХХХ органларида рўйхатга олиш (ҳисобга қўйиш) учун такдим этилиши лозим.

А.РАҲМОНОВ,
ҳуқуқшунос

Пойтахтимиздаги «Байналмилал» кўчасидан ўтиб борарканман, 22-Меҳрибонлик уйи ҳовлисида расм чизаётган қизалоқ диққатимни тортди. Беихтиёр катталардай жиддий тортган кўйи машғулотига банд қизчага яқинлашдим.

Munavvar lahzalar

ВАТАН ДЕЯ УЙҒОНСИН ҚАЛБЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Қаршимизда энг сўнгги меъморчилик андозаларида қурилиб, савлат тўкиб турган «НКМК» бизнес маркази. Мана буниси Париж, Рим, Амстердам, Москва каби дунёнинг энг йирик шаҳарларидаги галереяларидан асло қолишмайдиган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси. Бу нафис санъат кошонасида жаҳонга машҳур мусаввирлар кўргазмалари намойиш этилади, Қолаверса, бу кошона инсониятга Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Чингиз Аҳмаров каби мусаввирларни берган халқнинг санъатга эҳтироми рамзидир. Майдонга алоҳида кўрк бағишлаб турган оқ мармарли бинода эса Парламентимиз Сенати фаолият юритади... Санаб адоғига етмайсан. Бу ўзгариш, бунёдкорлик қонида яратувчанлик иштиёқи кучли халқнинг меҳнати махсулидир. Унинг замирида бош меъмор — Президентимизнинг саъй-харакатлари мужассам.

Мустақиллик майдони — озодлигимиз тимсоли. Бу гўшага келган киши мамлакат қудратини, Истиқлолнинг шарофатини англаб етади. Майдондаги ям-яшил дарахтлардан тортиб, Мустақиллик ва Эзгулик монументигача, ҳилпираб турган байроқдан Мотамсаро она сиймосигача — барча-барчаси озодлигимиз тимсолидир. Майдонни айланарканмиз, беихтиёр Соҳибқирон бобомизнинг: **«Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз курган иморатларга боқ»**, деган ўгити ёдга тушади. Қўксинг ғурурга тўлиб: **«Ўзбекистон жамолини, унинг буюклигини, азизлигини билмоқчи бўлганлар, бир бор мана шу манзилни келиб кўрсинлар»**, дегинг келади.

Эзгулик аркасига халқнинг орзу ва истаклари мухрланган, абадий тинчлик, хуррият рамзи — лайлаклар юртнинг бугуни, эртаси тимсолидир. Отам бу гўзал масканни айланиб, қалби ғурурга тўлиб кейинги сафар невараларини ҳам олиб келиш истаги туғилганини, аслида Мустақиллик майдонини ҳар бир ўзбекистонлик келиб кўриши зарурлигини айтганда, беихтиёр Президентимизнинг: **«Эзгулик аркаси ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланишига ишонаман. Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истакларсиз одамнинг ўзи йўқ. Истардимки, шу дарвоза остонасидан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлсин. Аслида барча бунёдкорлик ишларидан кўзлаган мақсадимиз — эзгулик йўлида хизмат қилишдир»**, деган сўзлари хотирамда жонланди.

Ватаннинг муқаддаслигини, унинг ҳар бир қарич ери азизлигини ҳамиша ҳам англайвермаймиз. Аслида эса, озодлиги қайта тикланган Ватанда, эркинлиги, ҳурлиги ўзида бўлган юртда аждодларига муносиб авлод камол топиши лозим. Қалб уйғониб, **«Элим деб, юртим деб, ёниб яшаши керак»**.

Янги бунёд этилган Тасвирий санъат галереясини, Амир Темур музейи, Ўзбекистон Давлат тарихи музейини бориб кўрдик.

Кеч кирганда, ранг-баранг чироқлар пойтахтни янада гўзал қилиб кўрсатади. Хиёбонларни айландик. Тунда ҳам шаҳарда ҳаёт қайнайди.

Амир Темур бобомиз виқор билан кўкка термулиб турибди. Соҳибқирон сиймосида менинг элим, менинг юртим ҳурликка муносибдир, деган даъват мужассамдай. Отам ҳайкалга узоқ тикилди: буюк бобомизнинг сиймоси — қалбимизга, ҳаётимизга янгиланиб кирганидан авлодларга руҳан мададкор бўлаётган Соҳибқирон қаршисида ўйга толди.

Ҳаёт бор экан, оқ ва қора, эзгулик ва ёвузлик, зулмат ва зиё ўртасидаги кураш ҳам мавжуддир. Шу азиз Ватан бизники, демак, ҳар бир ёш унинг келажаги порлоқ бўлишига, буюк аждодларга муносиб бўлишга масъулдир. Бефарқлик — нурсиз кун, огоҳлик — ойдинликдир.

Эрта тонгда отамни қишлоққа кузатдим.

Шуни англадимки, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси пойтахтнинг бугунги жамолини, Бош майдонимизнинг янги қиёфасини кўриши шарт. Шунда ҳар бир қалб Ватан дея уйғонади, ғурурга тўлади. Оталар, боболар, момолар пойтахтга келишиб, асрий орзуларининг рўёбини кўрсин. Ўғиллар, қизлар, болалар юрт қудратини англасин. Ахир, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ

Mulohaza uchun mavzu

КЕЛАЖАК УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Мадина исмли бу иқтидорли қизалоқ билан тез тил топишиб олдик. Фақат полотнода акс этган тасвирни кўриб, қалбимда номаълум ҳислар қўзғалди. Қизча чизаётган суръатга тикилиб, ўйга толдим.

— Нега ўйланиб қолдингиз? Нима, сизга ёқмадими бу расм? Яхшиси, бошқа чизганларимни кўрсатай. Юринг, уйга...

Мадинанинг ортидан эргашдим. Дид билан жиҳозланган бинога кирарканмиз, бизни истарали аёл қаршилади.

— Матлуба Алимовна, бу опамиз чизган расмларим билан қизиқиб қолди. Қарши бўлмасангиз, бошқа ишларимни ҳам кўрсатмоқчийдим.

Матлуба опа билан танишдик. У киши 96 нафар болакайни ўз бағрига олган Меҳрибонлик уйига бир неча йилдан буён раҳбарлик қиларкан.

— Мадина сингари иқтидорли тарбияланувчиларимиз кўп, — дейди Матлуба Охунова. – Биз имкон қадар уларга зарур шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилямиз. Бу борада бизга «Сен ёлғиз эмассан» Республика Болалар жамғармаси яқиндан ёрдам бераётир. Ҳомийларимиз — Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Чилонзор «Отчопар» буюм бозори маъмуриятидан кўмаклари учун миннатдормиз.

— Мадинанинг чизган сурати мени ўйлантирди. Унинг бундай суръатни чизишига нима туртки берди экан-а? – деб сўрайман.

– Турмушда ота-оналик мажбуриятидан бўйин товлаган, ўз болаларига шафқатсиз муомалада бўлган, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка берилган, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилган кимсалар ҳам учраб туради. Бундайлар суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Афсуски, Мадинадай қобилиятли қиз ҳам ана шу тоифага мансуб аёлнинг фарзанди. Ҳозирда бу аёл Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган икки қизининг ҳолидан хабар олмай қўйган. Шунинг учун ҳам, у икки йил муқаддам суд қарори билан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мадина ноёб истеъдоди ва намунали ҳулқи билан Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод сифатида танлов босқичларида муваффақиятли иштирок этаяпти. Умуман, тарбияланувчиларимизнинг 14 нафари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг фарзандлари. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос қобилият, иқтидор бор. Шундай фарзандларга меҳрини беролмаган кимсалар нафақат ота-она, балки инсон, деган номга ҳам нолойиқ.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jinoyat va jazo

НАФС ИСКАНЖАСИ

Суд очерки

Марҳамат Очилова (исм-шарифлар ўзгартирилган) Қўқон шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг бирида истиқомат қилади. Шу йил 23 июнь куни у қизалоғи Мафтунани айлантириш учун ташқарига чиққанида таниши Ҳанифа опани учратиб қолди. Ҳанифа опанинг ёнида қандайдир нотаниш бир йигит ҳам турарди. Икки аёл ўзаро саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашишгач, Ҳанифа опа ҳалиги йигитни кўрсатиб гап қотди:

— Бу йигитга ижарага уй керак экан. Шунинг учун сизнинг олдингизга бошлаб келдим.

Дарвоқе, Марҳамат опанинг «Маҳрам» кўчасида ҳам бир хонали уйи бўлиб, уйни онаси Роҳила аянинг номига олганди. Лекин анчадан буён у ерда ҳеч ким яшамас, фақат «уйнинг тўловларига ярав турар», деган мақсадда баъзида унга ижарага муҳтожларни кўярди.

Марҳаматхон йигитчага бош-оёқ разм солди.

— Сиз кимсиз, қаердансиз? — сўради у.

— Олтиариқликман, – деди йигит ўзини Исроил дея таништиргач. — Қўқонга ҳарбий хизматга келяпман. Турмуш ўртоғимни ҳам олиб келмоқчиман. Шунинг учун яшашга уй керак.

Исроилнинг сўзларига шубҳа қилмаган Марҳаматхон гапни чўзиб ўтирмади. Қизини уйда қолдириб, нариги уйининг калитини олиб чиқди.

— Кўп вақтдан буён қаровсиз қолган, — деди Марҳаматхон бир хонали квартирани кўрсатар экан.

— Ҳечқиси йўқ, таъмирлаб яшайверамиз, — деди Исроил унга жавобан.

Улар ўзаро келишиб, ижара ҳақини ойига 20.000 сўм қилиб белгилашди.

– Ҳужжатларингиз борми? — сўради Марҳаматхон изларига қайтишаётганда, – мен уни домкомга кўрсатиб, сизни таништириб қўйишим керак.

— Ҳужжатларимни эртага олиб келаман, уйнинг калитини ҳам ўшанда оламан, – деди Исроил у билан хайрлаша туриб.

* * *

Учқўприк туманининг Бекобод қишлоғида аёлларни иш билан таъминлаш маркази бор. Ўзларининг разилона режасини аллақачон пишитиб қўйган эр-хотин Исроил билан Муяссар эртаси куни соат 8:00 ларда ана шу ерда пайдо бўлишди.

Исроил аввалига уларни бирма-бир назарда ўтказди. Сўнг орқароқда турган, қулоқларига тилла сирға тақкан ўрта ёшлардаги икки аёлни четроққа имлаб чақирди.

— Шаҳардан бир уйни ижарага олаётгандик, шуни тозалаш керак, — деди у бир аёлларга, бир хотинига қараб қўяркан, — хотиним – оғироёқ. Йўқса, бунақа ишлар ўзидан ҳам ортмасди.

— Қанча берасиз? — гапни чўрт кесди уларнинг ёши кичикроғи.

— Ишни кўнглимдагидек бажарсангиз, айтган пулингизни бераман.

— Бу гапингизни қўйинг, икки ярим мингдан берасиз, — деди аёллардан бири.

Исроил унинг гапига рози бўлди. Сўнг улар Қўқон шаҳрига йўл олишди.

Эр-хотин йўл-йўлакай ҳалиги аёллар билан танишиб олишди. Улардан бирининг исми Маҳлиё, иккинчисиники Азиза экан. Улар Қўқон педагогика коллежи ёнидан ўтишаётганда Исроил Муяссарга гап қотди:

– Сен шу коллежда ўқигансан-а?!.

Муяссар бунга жавобан бошини силкитиб қўйди. Исроил йўл-йўлакай Марҳаматхонни ҳам эргаштириб, ижара уйига етиб келишди.

Азиза билан Маҳлиё дарров ишга тушишди.

— Паспортингиз қани? — деди Марҳаматхон Исроилга уй калитини бераётиб.

— Кечки пайт ижара ҳақи билан бирга паспортимнинг нусхасини ҳам бераман, — деди Исроил негадир ундан кўзини олиб қочаркан.

Марҳаматхон эса унинг бу ҳолатига эътибор бермади. У кетгач, Исроил кўчага чиқиб дўкондан қанд-қурс кўтариб келди-да, чой дамлади ва хотини, Маҳлиё ва Азизани ҳам таклиф қилди. Бир зумлик тамаддидан сўнг аёллар яна ишга киришишди. Муяссар уларга кўмаклашган бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ВЕНЕСУЭЛА: КИМ ПРЕЗИДЕНТ БЎЛАДИ?

Яна роппа-роса беш кундан сўнг Венесуэлада президентлик сайлови бўлиб ўтади. Куни кеча ушбу мамлакатда сайловолди компанияси ўз ниҳоясига етди. Маълумки, бугунгача Венесуэлани Уго Чавес бошқариб келаётган эди.

Расмий маълумотларга қараганда, Уго Чавес учинчи марта ҳам президентлик сайловида ютиб чиқиши мумкин. Сиёсатшунослар ўтказган таҳлиллар натижасига қараганда, Венесуэла аҳолисининг 59 фоиз сайловчилари амалдаги президент Уго Чавесни учинчи марта ҳам сайлаш тарафдори. Яна бир президентликка номзод Мануэл Росарес учун эса 27 фоиз сайловчи овоз бериши кутилмоқда.

Венесуэла пойтахти Каракас шаҳрида бўлиб ўтган сўнгги сайловолди учрашувида ҳам мамлакат аҳолисининг юз мингдан ортиқ вакиллари йиғилишди. Бу эса аҳолининг беш кундан сўнг ўтказилажак сайловга бефарқ эмаслигидан далолат беради. Амалдаги президент Уго Чавес ўз сайловолди нутқида аввалги «аньана»ларини бузмаган ҳолда «Агар учинчи марта президентликка сайланадиган бўлса, албатта, АҚШ президенти Жорж Буш билан «ҳисоб-китоб» қилишини» яна бир карра таъкидлаб ўтди.

ФРАНЦИЯ: САЙЛОВ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Бу галги президент сайлови Франция давлатчилик тарихида ҳам янги саҳифа очиши мумкин. Чунки Франция тарихида президент сайловларида ҳали аёл кишининг номзоди қўйилмаган. 2007 йилда ўтказилажак президент сайловида эса сайловчилар илк марта аёл кишининг номзоди учун овоз берадилар.

Аввал ҳам хабар қилганимиздек, Франция президентлигига номзод – Франция Миллий йиғини депутати, Пуату-Шаран ҳудудий кенгаши раҳбари Сеголен Руаяльдир. Маълумки, Сеголен Руаяльнинг номзодини Франция Социалистлар партияси вакиллари кўрсатишган.

Жаҳон сиёсатшунослари Сеголен Руаяльнинг Франция президенти бўлишини таъкидлашмоқда. Чунки у сайловолди компанияларида ўз рақобатчилари, мамлакат президентлигига номзодлар – собиқ молия вазири Доминик Строс-Кан ва собиқ бош вазир Лоран Фабиусларни «ютиб» чиққан.

Сеголен Руаяль айни пайтда 53 ёшда. У ўз иш фаолиятини президент Франсуа Миттеран даврида бошлаган. У ўтган йиллар давомида Франция Маориф, Соғлиқни сақлаш, Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш вазири лавозимларида фаолият юритган. 2004 йилда эса Пуату-Шаран ҳудудий кенгаши раҳбари этиб сайланган.

ЯҚИН ШАРҚДА НИМА ГАП?

«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабарига кўра, фаластинликлар Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги ҳудудларга фақатгина Исроил давлати билан тинч музокара олиб бориш орқали эгалик қилиши мумкин. Бу ҳақда 27 ноябрь куни Исроил бош вазири Эҳуд Ольмерт баёнот берган.

Шунингдек, у ўз баёнотида Фаластин ва Исроилнинг тинч йўл билан музокара олиб боришигина исроилликларнинг Фаластин ерларидан чиқиб кетишига асос бўлишини таъкидлаб ўтган.

Исроил бош вазирининг айтишича, агар Фаластин томон тинч музокарага кўнмаса, Исроил чегарада янги блок-постлар ташкил қилиши ва фаластинликларнинг банкларда сақланаётган маблағларини музлатиб қўйишини маълум қилган. Бундан ташқари, бош вазир исроиллик капрал Гилад Шалит озод қилинса, Исроил қамоқхоналарида сақланаётган кўплаб фаластинлик маҳбуслар ҳам озодликка чиқишини таъкидлаб ўтган.

СИЦИЛИЯДА ВУЛҚОН

Сицилияда Европадаги энг катта вулқон – Этна вулқонининг ҳаракатга келгани кузатилмоқда. Сўнгги марта Этна вулқони шу йилнинг сентябрь ойи охирларида «уйғонган» эди. Лекин мамлакатнинг жанубий-ғарбий ҳудудида «уйғонган» вулқон мутахассисларнинг эътиборини тортмади. Чунки кратер оғзидан отилаётган лава оқими

атроф-муҳитга хавф соладиган даражада эмасди.

Лекин ўтган ҳафтанинг жума куни Этна вулқони яна ҳаракатга келиб, мутахассисларни шошириб қўйди. Чунки бу гал кратер оғзидан осмонга отилаётган тутун, кул ва оловнинг баландлиги беш километргача етиб боргани кузатилган.

Шунинг учун ҳам маҳаллий ҳукумат Катания шаҳри аэропортида фавқулодда вазият эълон қилган. Айни кунларда аэропорт ишламаяпти.

ЎзДЖТУ талабаси Райҳона ХОЛМУРОДОВА тайёрлади

Mulohaza uchun mavzu

КЕЛАЖАК УЧУН МАСЪУЛМИЗ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Матлуба Охунованинг таклифи билан тарбияланувчиларни суҳбатга чорладим.

— Исмим Фотима, олти йилдан буён шу ерда тарбияланаман. Меҳрибон тарбиячиларимиз ота-онанинг ёмони бўлмайди, деб ўргатишган. Лекин, очиғини айтсам, онам билан яшагандан кўра, бу ердаги ҳаётим яхши. Келажакда стоматолог врач бўлиб халқимизга хизмат қилмоқчиман. Тарбиячиларимиз — Матлуба опа Охунова, Ҳафиза опа Рафиқова, Юлдуз опа Холмуҳаммедова, Нилуфар опа Одиловалар биздан меҳрини аяшмайди, улардан миннатдормиз.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор билан қаралади. Бош Қомусимиздa, Оила кодекси ва бошқа кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларда бу масала ўзининг теран ифодасини топган. Ўрни келганда ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаган, оилада носоғлом муҳитни юзага келтирган, бир сўз билан айтганда, ота-она деган шарафли номга нолойиқ кимсаларга нисбатан ҳуқуқий санкциялар: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш (Оила кодекси 79-модда), ота-оналик ҳуқуқини чеклаш (Оила кодекси), фарзандликка олишни ҳақиқий эмас, деб топиш ва бекор қилиш тартиби (Оила кодекси 171-модда), алиментни суд тартибида ундириш (136-модда) каби чоралар белгиланганини эслатиб ўтиш лозим.

Ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш деганда, бу ҳуқуқлардан болаларнинг манфаатига зид тарзда фойдаланиш, масалан, боланинг ўқишига, жамоат топшириқларини бажаришига тўсқинлик қилиш, уни спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга ўргатиш, жиноий йўл билан даромад топишга жалб этиш каби ҳолатлар назарда тутилади.

Келинг, шу ўринда бир мисолга мурожаат қилайлик. Тошкент шаҳар Юнусобод туман прокуратураси фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига 1974 йили туғилган К.Е.-ни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасидан даъво аризаси киритди. Суд жараёнида маълум бўлишича, жавобгар К.Е. Сирғали тумани Дўстлик-2 мавзесидаги 24-уйнинг 12-хонадонида доимий рўйхатда турса-да, бу манзилда истиқомат қилмас экан. У ичкиликбозликка мубтало бўлгани етмагандай, ахлоқан тубан турмуш кечиради. Вояга етмаган қизи — 1992 йили туғилган К.М.ни қаровсиз қолдириб, оналик мажбуриятини бажармайди. Натижада К.М. дайдиликни ўзига касб қилиб олиб, кўча-кўйда тунашга мажбур бўлади, ҳатто Сирғали туман ИИБ ходимлари томонидан ўғирлик устида қўлга олинган. Хайриятки, Сирғали туман ҳокимияти қаровсиз аҳволдаги қизнинг тақдири ҳақида ўз вақтида қайғуриб, уни Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйига жойлаштириш ҳақида қарор чиқарди. Мазкур қарорга мувофиқ К.М. 2003 йилдан буён 21-Меҳрибонлик уйида тарбияланмоқда. Шу давр мобайнида К.Е. атиги икки маротаба маст ҳолда қизини кўргани келган, холос...

Суд мажлисида Юнусобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Назарова К.Е.ни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъвони қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради. Суд ЖПКнинг 224-моддасига мувофиқ ҳал қилув қарори чиқарди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишдан аввал ота-оналарга нисбатан бирон-бир таъсир чораси қўлланадими?

— Маълумки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш фақат суд тартибида амалга оширилади, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди раиси Муқаддас Ғуломова. — Судья даъво аризаси бўйича иш қўзғатишдан олдин ота-она ёки улардан бири билан суҳбат ўтказиши, шу оила яшайдиган маҳалла аҳлининг муносабатини ўрганиши керак.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар кўрилганда, даъвони ким қўзғатганидан қатъи назар, асосан прокурор, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик идораси иштирок этиши шарт. Прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик идораси иштирокисиз кўрилиб, қабул қилинган суд қарорлари қонунга хилоф ҳисобланади.

Ҳаётда на ўзига, на фарзандининг келажагига қайғурмайдиган, ўткинчи ҳою ҳавасларга берилиб, енгил-елпи кун кечирадиган калтабин кишилар учраб туради. Уларга нисбатан жамоатчилик, мутасадди идоралар томонидан қўлланган таъсир чоралари ҳам натижа бермайди. Тошкентлик А.С. ҳам ана шундай кимсалардан бири. У ўз фарзанди, 1992 йили туғилган А.И.га яхши тарбия бериб, вояга етказиш ўрнига фарзандини ёмон йўллар билан пул топишга ундаган. Онасининг ўзига бефарқлигидан фойдаланган А.И. мактабга қатнамай қўйган, катта ёшдаги шубҳали шахслар билан яқин муносабат ўрнатган. Оқибатда А.И.да жиноят содир этишга ёхуд қинғир йўлга юришга мойиллик аломатлари кўзга ташланиб қолган. Бундан ташвишланган маҳалла аҳли, Юнусобод туманидаги 98-мактаб жамоаси А.С. билан бир неча бор суҳбат ўтказиб, қизининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида огоҳлантирган. А.С. бундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига маиший бузуқ турмуш кечиришни давом эттирган. Мазкур ҳолат юзасидан Мирзо Улуғбек туман прокурори фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига А.С-.ни оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш бўйича даъво аризаси киритди. Суд А.С.га нисбатан бир неча бор таъсир чораси қўллаган бўлса-да, бу ҳаракатлар самара бермади. Шу йилнинг 7 августида А.С. қизи А.И.га нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Ҳа, ота-она бўлиш осон, ота-оналик қилиш эса жуда қийин. Фарзандни дунёга келтирган ота-она уни тарбиялаб, вояга етказишга масъулдир. Бу масъулияттдан бўйин товлаганлар ота-она, деган шарафли номга нолойиқдир. Кимки кексаликда иззат-икром кўришни истаса, фарзанди олдидаги барча мажбуриятларни сидқидилдан бажармоғи лозим. Акс ҳолда...

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
журналист

Дунёда муҳаббат каби абадий ва азалий мавзу йўқ. Дарҳақиқат, уни ҳар бир инсон кўнгли янгилайди ва яшартиради. Дейлик, ҳар қандай мавзудаги асарлар вақт ўтиши билан ўз қадрини йўқотиши, эскириши ва унутилиши мумкин. Лекин муҳаббат мавзуидаги асарлар, афсона ва асотирлар ҳеч қачон унутилмайди, ўз қадрини йўқотмайди. Узоққа бориб ўтирмасдан ўзимизнинг "Тоҳир ва Зуҳра", "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" каби мангу муҳаббатни тараннум этувчи достонларни ёдга олайлик. Бу муҳаббат қиссаларини бундан уч-тўрт аср муқаддам ҳам севиб ўқишган. Бугун ҳам худди шундай. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бундай ўтли муҳаббат фақатгина достонларда эмас, балки ҳаётда ҳам учрайдики, бугун биз сизларга улардан айримлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз...

Taqdir ta`birlari

БИР МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Испания қадим-қадимдан ўзининг бой табиати ва бетакрор иқлими билан кўпчиликни ўзига мафтун қилиб келган. Мисол учун мамлакат жанубида жойлашган Гибралтар бўғозида шундай бир жой борки, бу масканни йил давомида қуёш тарк этмайди. Бу саховатли замин дунёга кўплаб улуғ шахсларни инъом этган. Улар орасида Кастилия қироличаси Изабелла Аргонская ҳам борки, бугунги мақоламизда унинг ҳаётига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Изабелла Аргонская ҳам бошқа қироличалар каби ўз турмуш ўртоғи Фердинанд II билан бирғаликда ўз давлати ҳудудини янада кенгайтиришга ҳисса қўшади.

Аммо кўпчилик аёллар каби қироличанинг ҳам ўзига хос заиф томонлари ҳам бор эди. Масалан, у ўз болалари ичида кенжа қизи Хуанани ҳаддан ташқари яхши кўрар эди. Бир дақиқа бўлсин, уни ўзидан узоқлаштирмасликка ҳаракат қиларди. Лекин тақдир экан, қиролича қизи Хуанани бошқа мамлакатга узатишга мажбур бўлди.

Кенжа малика Хуана шаҳзода Филиппга турмушга чиқиши керак. Филипп эндигина 17 ёшни қаршилаган, келишган ва барно йигит эди. Олис Францияга узатилган қизини кузатиб қўяркан, қиролича Изабелла унга «сен ҳеч қачон ўзингнинг малика эканлигингни унутма», деб насиҳат қилади. Филипп уни шоҳона тантаналар билан кутиб олади. Олис йўлдан ҳориб келган, нотаниш диёрга келин бўлиб тушган Хуана ўз қайлиғини биринчи бор кўришдан ниҳоятда чўчир, ҳаяжонланар эди. Филиппни кўрган Хуана унинг чиройидан, келишган қоматидан ҳайратга тушади, унга мафтун бўлиб жойида қотиб қолади. Филипп келинни қиролларга хос тавозеъ билан, эркакларга хос мағрурлик билан қўлида кўтариб ичкарига олиб киради.

Хуана каби гўзал қалликка эга бўлишни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз? Ёш келинчак Хуана қалбида ўз эрига нисбатан шунчалар қудратли эҳтирос ва муҳаббат уйғондики, бу қудрат, бу асов дарё йўлида учраган ҳамма нарсани оқизиб кетиши мумкин эди.

Шаҳзода қироллик юмушлари билан сафарларга чиқар, ёлғиз қолган Хуана эса уни интизор бўлиб кутарди. У соғинчдан шу қадар сиқилар эдики, унинг кўнглини ҳеч нима юпата олмасди. Фақатгина Филипп унинг қалбини қуёшдек ёритарди. Филиппнинг ташрифи малика ҳаётини шу даражада ўзгартириб юборар эдики, четдан қараган кишига гўёки, дунёда улардан бўлак ҳеч бир инсон йўқдек туюларди. Саройдагилар малика Хуананинг кўнглини кўтариш учун турли хил зиёфатлар ташкил қилар, байрам ва томошалар уюштирар, лекин ҳеч ким, ҳеч нарса унинг унинг кўнглини кўтара олмас эди.

Шунингдек, малика Хуана ёлғончилик ва хиёнат тушунчаларидан қаттиқ нафратланар, унинг қалбида ўз ёрига нисбатан тенгсиз муҳаббат, улкан садоқат яшарди. Бир сўз билан айтганда, у Филиппни девоналарча севарди. Хуананинг феълида маликаларга хос инжиқлик ва эркалик йўқ эди. Хуанадаги ўтли муҳаббат албатта, атрофдагилар назаридан четда қолмади. Кимдир уни тўғри тушунса, яна кимгадир маликанинг ўзини тутиши ғайриоддий туюлди. Шунинг учун ҳам унинг атрофида турли гап-сўзлар айлана бошлади. Сарой аъёнлари уни телба, ақлдан озган, деб атай бошлайдилар. Саройда унга девона малика, деб ном қўядилар...

Шаҳзода Филипп ўз рафиқасининг эҳтиросларини дастлаб анчагина ёқтириб юрди. Малика Хуананинг бўйида бўлиши билан аввалги гўзаллиги ва эҳтиослари бироз сўнди. Хуана ўғил кўргач, яна ўз ёстиқдоши ёнига қайтди. Аммо Филипп уни совуққина қарши олди. Чунки энди унинг ўз умр йўлдошига бўлган муҳаббатидан асар ҳам қолмаган эди. У аллақачон хиёнат ботқоғига ботиб бўлган эди. Рафиқасининг қайноқ севгиси уни сира ҳам ҳаяжонга солмас, ҳатто жаҳлини чиқарар эди. Хуана эса рашк ўтида ёнар, руҳан қаттиқ азоб чекарди. Азбаройи рашкдан ҳатто саройдаги ёш аёлларни қувиб юборади. У ҳамиша эри билан ёнма-ён бўлишга интилар, уруш кетаётган вазиятларда ҳам ундан ажралмасди. Бир куни зиёфатда Филипп ёш аёл билан рақса тушади. Бундан Хуана ниҳоятда дарғазаб бўлади ва эри билан бирга рақса тушган аёлнинг сочини ҳамманинг кўз ўнгида қайчилаб ташлайди. Чиндан ҳам, Хуана муҳаббат дардига йўлиққан эди.

Шу тариқа 1504 йил ҳам ташриф буюрди. Севильяда Кастилия қироличаси Изабелла вафот этади. Бутун ҳокимият ва улкан мамлакат унинг қизи Хуана қўлига ўтади. Филипп Испания қиролига айланади. Бироқ уни на давлат ишлари, на ҳокимият қизиқтирар эди. Чунки у ўша давр зодагонларига хос енгил-елпи ҳаёт кечиришни яхши кўрар эди. Хуана эса давлат ишларини моҳирона бошқарар, ўта жиддий муҳим сиёсий қарорлар қабул қилар, хориждан келган элчиларни қабул қилар, давлат ишларида ўта фаол, ғайратли эди. Бу эса Испаниянинг мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, Хуана ҳақиқий қиролича эди. Аммо Филиппнинг унга нисбатан муносабати маликанинг дилини оғритар, қаттиқ азобга соларди. У фарзандларни дунёга келтириб тарбиялади, ўз эрига ҳокимият ва қироллиқни топширди, аммо Филипп бунинг қадрига етмади, унинг беқиёс муҳаббатини оёқости қилди. У маишатга ботқоғига ботиб қолди. Натижада 27 ёшида қандайдир бедаво дардга чалиниб, 7 кун ичида дунёдан кўз юмди.

Хуана бўлса, ўлим талвасасида ётган эри ёнидан етти кечаю, етти кундуз нари кетмади. Филипп вафот этгач, у ўз руҳида қандайдир енгиллик сезди. Энди шаҳзоданинг жасади уники эди. Яна уч кечаю, уч кундуз қиролича ўз эри мурдаси ёнидан кетмади. Филипп танасини мумиёлашди ва оилавий даҳмага дафн қилишди. Малика ўғрилар ёллаб, Филиппнинг қимматбаҳо тобутини даҳмадан ўғирлаб, тўрт отлик аравага жойлаштиради ва эрининг мумиёланган жасади билан бутун Кастилия бўйлаб саёҳатга чиқади. Малика фақатгина тунда йўл юрар, кундузлари эса қишлоқларда тўхтаб дам оларди. Тобут ичида ётган шаҳзода танасига қараб нималарнидир сўзлар, эри тириклигида яхши кўрган куй ва қушиқларни энг хушовоз қушиқчиларга куйлатар эди. Шу тариқа бу ғаройиб ва ғайриоддий сафар бир йилдан ортиқроқ давом этади. Шуниси қизиқки, оддий одамлар ўз қироличаларини тўғри тушунар, унинг дардига шерик бўлар эди. Худди шундай вазиятларда ҳам у давлат ишлари битилган ёрлиқ ва ҳужжатларга имзо чекар, одатдагидек, давлатни бошқарарди. Ажабланарлиси шундаки, инглиз қироли Генрих VII ўша пайтда ёлғиз эди. У Хуана билан турмуш қуришга қарор қилади. Чунки Испания қироличаси хасис ва чўрткесар бу кимсани ўзининг ғалати одатлари билан қизиқтириб қўйган эди...

Хуана бошқа ҳеч қачон турмушга чиқмади. У бир умр ўз эрига ва муҳаббатига содиқ қолди. Унинг отаси Фердинанд II Аргонский кейинчалик барибир қизини қироличаликдан озод қилишга эришади. Унинг ақлдан озиши ирсий касаллик эканлигини, телбалик унга аждодларидан ўтганлигини далил қилиб кўрсатади. Шундай қилиб, малика ташқи оламдан ажратилган алоҳида қоронғу хонада умрини ўтказади. Малика Хуана севимли ёридан сўнг яна 50 йил умр кечиради. У 70 ёшга кирганида оёқлари фалаж аҳволда, аммо тўла ақли расо ҳолда бу олам билан хайрлашади. Ўғли Карл V жон талвасасида ётган онаси билан видолашгани унинг ёнига кирганида она юзини деворга ўгириб олади. Унга бирор сўз айтмайди. Эҳтимол, ўша дам Хуана хаёлан ўзининг севимли ёри ёнида бўлгандир... Нима бўлганда ҳам, бу дунёда у ўта буюк муҳаббатни бошидан кечирди...

Интернет материаллари асосида Зафар ЁҚУБОВ тайёрлади

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1.«Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 нафар;
2. «Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;
3. «Факультетлараро ижтимоий гуманитар» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;
4. «Факультетлараро хорижий тиллар» кафедраси бўйича катта ўқитувчи —1 нафар;
5. «Факультетлараро тиллар» кафедраси бўйича доцент — 1 нафар;
6. «Ҳуқуқий информатика ва информацион технологиялар» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1 нафар;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари.
4. Илмий ишлар рўйхати.
Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19, 40-хона.
Телефон: 136-09-39, 133-48-66.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси Ангрен шаҳар Красногорск қўрғонидаги 3-сонли давлат нотарил идораси нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар адлия бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
а) Малака комиссияси номига ариза;
б) Паспорт нусхаси;
в) Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
г) Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
д) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
е) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, лекин 3 йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
ж) Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 93-уй. Телефонлар: 363-51-03, 362-84-30.

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ — «ҒАЛЛАБАНК»

Республикамиз аҳолиси ҳамда ўзининг доимий мижозлари учун 15 дан ортиқ жозибадор омонат турларини жорий этгани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан 2006 йил 15 ноябрдан 2007 йил 15 январгача бўлган муддат давомида қабул қилиш шарти билан қисқа муддатли

«Sovg'a», «Mehr» ва «Sarmoya»

номли юқори фоиздаги янги омонат турларини таклиф этади.



«Sovg'a» *омонат турига маблағлар* **3 ой** *сақлаш ва йиллик* **18 фоиз** *устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат қўйилган куни, яъни олдиндан тўлаб борилади.*

Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 500 минг сўм.

«Mehr» *омонат турига маблағлар* **6 ой** *сақлаш ва йиллик* **18 фоиз** *устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб борилади.*

Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 минг сўм.

«Sarmoya» *омонат турига маблағлар* **1 ой** *сақлаш ва йиллик* **18 фоиз** *устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб борилади.*

Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 минг сўм қилиб белгиланган.

Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан кафолатланади.

«ҒАЛЛАБАНК» ОМОНАТЛАРИ — КЕЛГУСИ ДАРОМАДИНГИЗ КАФОЛАТИДИР!

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

Jinoyat va jazo

НАФС ИСКАНЖАСИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Аслида эр-хотиннинг нияти аёлларнинг бирининг тилла тақинчоқларини қўлга киритиш эди. Бунинг учун Муяссар уларнинг биринчи чалғитиб, ташқарига олиб чиқиб кетиши керак эди. Шунинг учун Исроил секингина хотинини туртиб, маъноли кўз қисиб қўйди.

– Биттангиз мен билан юринг, тушлик олиб келамиз, – деди Муяссар эрининг ишорасини тушуниб.

— Сен борақол, — деди Маҳлиё Азизага.

Муяссар билан Азиза Исроилдан пул олиб, кўчага чиқишди.

Айни пайтда уйда Маҳлиё билан ёлғиз қолган Исроил эса вақтдан «унумли» фойдаланди. Яъни у Маҳлиёнинг тилла балдоғини тортиб олиш мақсадида унга ташланди. Аввалига кутилмаган бу тажовуздан Маҳлиё довдираб қолди. Сўнг пича ўзини қўлга олиб, Исроилга қаршилик қила бошлади. Буни кўриб, Исроил мақсадига осонликча эришолмаслигини англади ва Маҳлиёни бўйнидан бўғишга тушди. Уни бешолти дақиқа икки қўли билан бўғиб турди. Натижада Маҳлиёнинг қўллари осилиб, ҳолсизланиб, ерга йиқилиб тушди. Бироз фурсат у хириллаб базўр нафас олиб турди-да, сўнг қимир этмай қолди.

Исроил эса бунга эътибор ҳам бермай, унинг қулоқларидан тилла сирғаларни ечиб олди, сўнг қўл-оёғини боғлаб, ювиниш хонасига олиб кириб ташлади. Кейин эса у шоша-пиша уй эшигини қулфлаб, ташқарига чиқди. Бу маҳалда Муяссар Азиза билан пастда турарди. Исроил унга «кетдик» дегандек ишора қилди.

— Азиза, сиз кутиб туринг, биз бу киши билан овқат олиб келамиз, — деди Муяссар.

Улар кетишгач, ҳеч нарсадан хабари йўқ Азиза тахминан ярим соатдан кўпроқ ташқарида турди. Охири эр-хотинни кута-кута тоқати тоқ бўлгач, ичкарига қараб юрди. Юқорига чиқиб қараса, уй эшиги қулфланган, ичкаридан сувнинг шалдираган товуши эшитилиб турарди.

У эшикни тақиллатди.

— Маҳлиё опа, бу менман, эшикни очинг!— деди у овозини кўтариб.

Бироқ ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади. Бундан Азизани қўрқув ва ваҳима босди. У нима қилишини билмай, пастга тушиб, Марҳаматхоннинг уйига югурди. Рўй берган воқеани айтиб бергач, Марҳаматхон ҳам хавотирга тушиб қолди ва шоша-пиша ижара уй томон югуришди.

Аммо Марҳаматхон етиб келгани билан ҳеч нима ўзгармади. У эшикни узоқ тақиллатиб, Исроилни, Муяссар ва Маҳлиёни чақираверди. Лекин ичкаридан сувнинг шалдирашидан бошқа ҳеч қандай овоз эшитилмасди. Шу пайт унинг хаёлига бир фикр келди:

— Калитнинг биттаси синглим Зиёдада эди. Ҳозир олиб келаман, — дея у онасининг ҳовлисига югурди.

Бироқ буткул қўрқувга тушиб қолган Азизанинг Марҳаматхонни кутишга сабри чидамади. У қўшнилардан

Суд очерки

бирининг нарвонини олиб, иккинчи қаватга, ундан учинчи қаватга чиқиб, дераза орқали уйга кирди. Қараса, ичкарида ҳеч ким йўқ, фақат ҳамон ювиниш хонасидан сувнинг товуши эшитилиб турарди. Азиза ўша томонга юриб, ювиниш хонасининг эшигини очди-ю, Маҳлиёнинг жасадига кўзи тушиб, ҳуши бошидан учиб кетди. У бутун гавдаси билан эшикка базўр суяниб қолган, оёқ-қўли даг-даг қалтирарди.

— Маҳлиё опа-а-а-а! — дея бир чоғ у дод солиб юборди. Унинг аянчли овози уй ичини тутиб кетди.

Орадан кўп ўтмай уй эшиги очилиб, Марҳаматхон, ички ишлар бўлими ходимлари кириб келишди. Марҳаматхон билан Азиза қонун ҳимоячиларига воқеани батафсил айтиб беришди.

Буни қарангки, Азиза гап орасида Муяссарнинг Қўқон педагогика коллежида ўқиганини ҳам тилга олганди. Биргина ана шу гап қонун ҳимоячиларининг диққатини ўзига тортди. Улар Азиза билан бирга педагогика коллежига боришди. Мутахассислар ёрдами билан коллежни сўнгги беш йил ичида тугатганлар рўйхати бирма-бир текшириб чиқилди. Натижада ҳужжатлар орасидан Муяссарнинг исм-фамилияси, бир дона сурати ва яшаш манзили топилди. Шундан сўнг жиноятчилар тез орада қўлга олинди.

Эр-хотиннинг дастлабки терговда кўрсатма беришича, Азизани воқеа жойида қолдиришгач, улар бозорга боришади. Исроил Маҳлиёнинг 100.000 сўмлик тилла сирғасини нотаниш аёлга 60.000 сўмга пуллайди. Сўнгра киракаш «ДАМАС»лардан бирида, Яйпан шаҳрига келишади. Исроил у ердаги бозордан 10.000 сўмга дазмол таглиги ва битта тарвуз сотиб олади-да, уларни ота-онасининг уйига ташлаб келади. Кейин Муяссар билан Яйпандаги ошхоналарнинг бирида «базму жамшид» уюштириб, тун ярмидан оққанда Учкўприк тумани марказидаги ўзлари яшаётган уйга кетишади.

Шу йилнинг 13 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судида мазкур иш юзасидан суд бўлиб ўтди. Унда эр-хотиннинг қилмишлари тўла-тўкис ўз тасдиғини топди. Суд Исроил Турдиевга 19 йил, Муяссар Азимовага эса 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Шунингдек, ҳар икки жиноятчидан жабрланувчиларга етказилган 500.000 сўм моддий ва 1.000.000 сўм маънавий зарар ҳам ундириладиган бўлди.

Бир жиноят тафсилотлари шулардан иборат. Агар жиноят иши материалларига эътибор берилса, И. Турдиев айни пайтда 26 ёшга тўлганини, бироқ у шу ёшгача икки марта судланишга «улгурган»лигини билиб олиш мумкин. У дастлаб 19 ёшида ҳарбий хизматни ўтаётиб, ўғирлик ва дезертирлик (ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, шу мақсадда хизмат жойига етиб келмаслик) жиноятини содир этган. Бундан уч йил муқаддам эса яна ўғирлик ва унга қўшимча фирибгарликка қўл урган. Бу ёғини сўрасангиз, иккинчи марта тайинланган 6 йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилиб, у озодликка чиқарилган эди. Ўзини-ку қўя турайлик, лекин бу бағрикенглик унинг ота-онасини ҳам ғафлат уйқусидан уйғотолмади.

Шу ўринда ота-онанинг лоқайдлигини тилга олмаслик мумкин эмас. Яъни Исроил аслида Ўзбекистон туманининг Тўхтаовул қишлоғида туғилиб, шу ерда рўйхатда турса-да, сўнгги пайтда Муяссар билан Учкўприк тумани марказида яшаб келган. Ота-она унинг бу ўзбошимчалигига ва Муяссар билан қонуний никоҳсиз турмуш кечиришига лом-мим дейишмади. Бундай эътиборсизликдан Муяссар Азимованинг онаси ҳам ҳоли эмас экан.

Хўш, Муяссарнинг ўзи-чи? Нега педагоглик касбини танлаган аёл бундай қабиҳликка шерик бўлди? Ахир, бундай мўътабар касб эгаси ёшларни тўғри ва нотўғри, оқ ва қорани ажратишга ўргатувчи инсон эмасми?

Хулоса қилиб айтганда, фарзанд ноқобил бўлиб улғаядими ёки комил инсон бўлиб вояга етадими, бунинг ҳар иккаласи ҳам, аввало, оиладаги тарбияга боғлиқ. Шундай экан, ота-оналар, биз, катталар бундан тўғри хулоса чиқаришимиз лозим.

Мўминжон ОБИДОВ,
ҳуқуқшунос,
Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўриқош МУСТАФОЕВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Ислом ҲАМРО, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-1316. Тиражи — 7500.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5